

Муроқаб

05:00 / 01.03.2017 8146

«Муроқаб» сўзи ва унинг турланишлари араб тилида «кузатиб туриш», «пойлаш» маъноларини англатади.

Уламолар муроқабани қуйидагича таърифлаганлар:

Муҳосибий: «Муроқаб қалбнинг мусаффо яқийн – тўлиқ ишонч ила саканот ва ҳаракатда Аллоҳ азза ва жалланинг илмини давомли равишда сезиб туришидир», деган.

Ибн Қайюм: «Муроқаб банданинг давомли равишда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло унинг зоҳири ва ботинидан хабардор бўлиб турганини билиши ва ишонишидир», деган.

Аллоҳ таолонинг муҳаббати ила машғул бўлган солиқ бўлиш ва эҳсон мақомига эришиш учун саҳиҳ ҳадисда келган «Аллоҳга худди Уни кўриб турганинг–дек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг», деган ҳолатга етиш керак.

Мазкур ҳолатни «мушоҳада ва муроқаб мақомлари» дейилади. Муроқаб банданинг Аллоҳ таоло уни кўриб турганини ҳис қилишидир. Мушоҳада эса, банданинг Аллоҳ таолони кўриб тургандек ибодат қилишидир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда муроқаб маъносини икки марта зикр қилган.

«Албатта, Аллоҳ устингиздан рақобат этувчи Зотдир» («Нисо» сураси, 1-оят).

Инсонларни яратган, ҳар бир нарсани билувчи ва кўрувчи Зотнинг Ўзи бандаларини рақобат қилиб, кузатиб, кўриб, билиб, эшитиб туриши нақадар таъсирчан, нақадар масъулиятли ҳолдир.

«Аллоҳ ҳар бир нарсани кузатиб тургувчи Зотдир» («Аҳзоб» сураси, 52-оят).

Аллоҳ таоло нафақат инсонни, балки барча мавжудотни муроқаб қилиб турар экан. Бас, банда бу ҳақийқатни тўлиқ англаб етиши ва муроқаб мақомида доимий равишда яшаб бориши керак.

Муроқба маъносини акс эттирувчи ҳадислардан намуналар:

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бирдан тепамизда оппоқ кийимли, сочлари қоп-қора одам пайдо бўлди. Унда сафарнинг асари кўринмас эди. Уни бирортамиз танимас ҳам эдик. У келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғриларига ўтирди. Икки тиззасини у зотнинг икки тиззаларига тиради. Икки кафтини сонлари устига қўйди ва: «Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер», - деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ислом «Лаа илааҳа Иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулуллоҳ», деб шаҳодат келтирмоғинг, намозни тўқис адо қилмоғинг, Закоат бермоғинг, Рамазон рўзасини тутмоғинг, агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилмоғинг», - дедилар.

«Тўғри айтдинг», - деди у.

Биз ундан ажабландик. Ўзи сўрайди, ўзи тасдиқлайди.

«Менга Иймон ҳақида хабар бер», - деди.

«Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Расулларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг, яхшию ёмон қадарга иймон келтирмоғинг», - дедилар.

«Тўғри айтдинг», - деб тасдиқлади ва:

«Менга эҳсон ҳақида хабар бер», - деди.

«Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг», - дедилар.

«Менга соат(қиёмат)дан хабар бер», - деди.

«Сўралувчи бу ҳақда сўровчидан билимлироқ эмас», - дедилар.

«Унинг аломатларидан хабар бер», - деди.

«Чўри ўз хожасини туғмоқлиги, ялангоёқ, яланғоч, камбағал, чўпонларнинг бино қуришда бир-бирларидан ўзишга уринишларини кўрмоғинг», - дедилар.

Сўнгра у қайтиб кетди. Бас, мен бир мунча вақт ғойиб бўлдим.

Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Эй Умар, сўровчи кимлигини билдингми?» - дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ», - дедим.

«Албатта, у Жаброилдир. Сизларга дийнларингиздан таълим бергани келибди», - дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

«Эҳсон» луғатда «яхшилик», «гўзал иш» маъносини англатади. Унинг бу ҳадисдаги маъносини уламолар: «ихлос» маъносида, деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳсон таърифида:

«Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг», дедилар.

Ушбу таърифни ва у орқали «эҳсон»ни тўлиқ ва тўғри тушуниш учун аввало «ибодат» сўзининг маъносини батафсил англаб олмоғимиз лозим.

Бизда «ибодат» деганда намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш каби нарсалар тушунилади. Албатта, бу нарсалар улкан ибодатлардан саналади. Лекин «ибодат» маъноси фақат ушбу нарсалар билан чегараланмайди.

Бу сўз «абада» феълидан олинган бўлиб, «қуллик қилди», «қул бўлди» маъносини билдиради. Абдуллоҳ Аллоҳнинг қули, деганидир. Демак, ибодат сўзи қуллик қилиш маъносидадир. Бу маъно форсчасига «бандалик» дейилади. Агар намоз, рўза ва ҳажнигина ибодат дейдиган бўлсак, ўша ибодатларни адо этиш пайтида Аллоҳга қуллик қилинади-ю, ундан кейин Аллоҳга қуллик тўхтайдими? Унда инсон намоз, рўза ва ҳаждан бошқа вақтда кимга қуллик қилади? Инсон намоз ўқиб, рўза тутиб, ҳаж қилинаётганда Аллоҳ таолони кўриб тургандек бўлишга ҳаракат қилиши лозим-у, бошқа вақтда лозим эмасми? Ёки ўша ибодатлар пайтида Аллоҳ таоло мени кўриб турибди, деб тасаввур қилиши керак-у, бошқа вақтларда «кўрмаяпти» деб ўз билганини қилавериши керакми?

Йўқ, асло ундоқ эмас! Аллоҳ таолога инсоннинг бандалиги-қуллиги доимийдир. Намоз ўқиётган инсон ҳам, ухлаётган инсон ҳам Аллоҳ таолонинг бандаси. Рўза тутаётгани ҳам, рўза тутмаётгани ҳам Аллоҳ таолонинг бандаси. Ҳаж қилаётган ҳам, иложини қила олмай ҳаждан қолган ҳам Аллоҳ таолонинг бандаси.

Гап фақат ўша банданинг ўзининг бандалигини тан олишида. Яъни, «Аллоҳнинг қулиман» деган одамнинг Аллоҳ таолога чиндан ҳам қуллик қилишида.

Бошқача қилиб айтганда, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Аллоҳ таолонинг айтганини қилиб яшашдан иборат. Бир хўжайиннинг хожалигини бўйнига

олиб, унга хизматкор бўлган шахс хўжайиннинг айтганларини қилмаса, хизматкорлиги қолмайди. Хожасидан қилмишига яраша жазо олишига тўғри келади. Аллоҳ таолога қул бўлгандан кейин, ана шу қулликни ўрнига қўйиб яшамоқ керак.

Шунинг учун ҳам, уламоларимиз: «Аллоҳнинг розилигига етказадиган ҳар бир иш ибодатдир», дейдилар.

Шундан келиб чиқиб, мусулмон одам ҳар лаҳзада Аллоҳ таолони кўриб тургандек ихлос билан яшамоғи, У зотнинг розилигини олишга ҳаракат қилмоғи керак. Агар бу олий мақомга эришишга ожизлик қилса, ҳар лаҳзасини «Аллоҳ таоло мени кўриб турибди», деган эътиқод билан ўтказиб, ўшанга яраша ҳаракатда бўлмоғи лозим. Ана ўшандагина эҳсоннинг қуйи даражасига эришади.

Агар бу даражага эриша олмаса, намоз вақтида Аллоҳга, иш пайтида эса, молу дунёга бандалик қилади. Рўза пайтида Аллоҳга, овқатланиш пайтида қорнига бандалик қилади.

Демак, эҳсон банданинг Аллоҳни кўриб тургандек ихлос билан ишонмоғи, ҳаёт кечирмоғидир. Жуда бўлмаса, «Аллоҳ мени кўриб турибди», деган ишонч билан, ўшанга яраша амал билан яшамоғидир. Бу даражага етмаган шахс эса эҳсон-ихлос даражасига етмайди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уч нафар киши йўлда кетаётган эканлар, ёмғирда қолибдилар. Тоғдаги ғорга кириб олибдилар. Бас, уларнинг ғорига тоғдан бир харсанг тушиб, чиқар йўлларини тўсиб қолибди. Улар бир-бирларига:

«Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларингизга бир назар солиб, уларни васийла қилиб, Аллоҳга дуо қилинглар, шоядки, сизларга кушойиш берса»,- дебдилар.

Улардан бири:

«Аллоҳим! Албатта, менинг қари ота-онам бор эдилар. Менинг кичик ёшдаги болаларим ҳам бор эди. Уларнинг барчасининг риоясини қилардим. Уларнинг олдига қайтиб келсам, сут соғиб, болаларимдан олдин ота-онамга ичирар эдим. Бир куни кеч қолиб, кечасигача кела олмадим. Келиб, икковларининг ухлаб

қолганларини кўрдим. Одатдагидек, сут соғдим ва ота-онам икковларининг бош тарафларида, уйғотиб юбормай деб, кутиб турдим. Болаларга ичиришни ҳам эп кўрмадим. Болалар очликдан оёғим остида қичқиришар эди. Тонг отгунча шу ҳолда турдим. Агар сен шу ишда Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, бизга бир тирқиш очгин, осмонни кўрайлик», - деди.

Бас, Аллоҳ тирқиш очди. Ундан осмонни кўрдилар.

Бошқаси эса: «Аллоҳим! Мен амакимнинг қизига эркаклар аёлларга энг ашаддий муҳаббат қўйишларидек муҳаббат қўйган эдим. Бас, ундан талаб қилдим. У (қиз) бош тортди. У ўзига юз динол беришимни сўради. Мен пулни жамлаб келиб, уни ушлаб икки оёғи орасига тушдим. Шунда қиз:

«Эй, Аллоҳнинг бандаси! Аллоҳдан кўрқ! Узукни ҳаққини бермасдан очма!» - деди.

Мен ўрнимдан турдим. Агар шу ишни Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, бизга яна ҳам каттароқ тирқиш оч», - деди.

Бас, яна тирқиш очди.

Учинчи шахс: «Аллоҳим! Мен бир фарақ гуручга мардикор ёллаган эдим. У ишни бажариб бўлганидан сўнг:

«Ҳақимни бер», - деди.

Мен унга ҳақини кўрсатдим. У олишга рағбат қилмади. Мен ўша гуручни экишда давом этавердим. Ундан бир қанча сигир ва молбоқарлар орттирдим. У қайтиб келиб:

«Аллоҳдан кўрқ!» - деди.

Мен унга:

«Анави сигирлар молбоқарлари билан сеники, олавер», - дедим.

«Аллоҳдан кўрқ! Мени истехзо қилма!» - деди.

«Сени истехзо қилаётганим йўқ, олавер», - дедим.

У олди. Агар мен шу ишни Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, қолган қисмини ҳам очиб юбор», - деди.

Бас, Аллоҳ очиб юборди ва улар

«чиқиб, юриб кетдилар», дедилар».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло етти кишини Ўз соясидан бошқа соя йўқ Кунда соясига

олур: одил имом, ўз Робби ибодатида ўсган ёш, қалби масжидларга боғлиқ киши, Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўриб, Аллоҳ учун жамъ бўлиб, Аллоҳ учун ажрашадиган икки киши, мансаб ва жамол эгаси бўлган аёл ўзига чақирганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман» деган одам, садақани махфий қилиб, ҳатто чап қўли ўнг қўли қилган нафақани билмай қолган одам ва Аллоҳни холий қолиб эслаганда кўзидан ёши оққан одам», - дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Муроқаба ҳақидаги асарлардан намуналар:

- Абдуллоҳ ибн Динор айтади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан бирга Макка томон йўлга чиқдик. Тун охирида бир жойга етганда тўхтадик. Тоғ томондан бир чўпон тушиб келди. Умар унга:

«Эй чўпон! Менга қўйларингдан бирини сот»,-деди.

«Мен қулман»,-деди у.

«Хўжайинингга бўри еб кетди, деб қўявер»,-деди Умар.

«Аллоҳ қаерда қолади?!»-деди у.

Умар йиғлаб юборди. Эрталаб уни топди. Хўжайинидан сотиб олиб, озод қилди ва:

«Мана шу бир оғиз сўз сени бу дунёда озод қилди. Умид қиламанки, у сени охиратда ҳам озод қилади»,-деди.

- Абдуллоҳ ибн Муборак бир одамга:

«Аллоҳ таолони мууроқаба қил»,-деди.

Ҳалиги одам бунинг тафсирини сўраган эди:

«Доимо худди Аллоҳ таолони кўриб тургандек бўл»,-деди.

– Суфён Саврий: «Ҳеч бир нарса Ундан махфий бўлмайдиган Зотни муроқабга қил. Вафонинг эгаси бўлган Зотдан ражо қил»,–деди.

– Абу Усмон айтади: «Менга Абу Ҳафс:

«Агар одамлар билан ўтирсанг, ўзингга ва қалбингга воиз бўл, улар сенинг олдингда жамланганларидан ғурурга кетма. Улар сенинг зоҳирингни муроқабга қилурлар. Аллоҳ эса, ботинингни муроқабга қилур»,–деди».

– Ҳумайд Товийл Сулаймон ибн Алига:

«Менга ваъз қил»–деди.

«Агар У зот сени кўриб турганини билиб туриб маъсият қилсанг, катта нарсага журъат қилган бўласан. Агар У зот сени кўрмайди деб ўйласанг, кофир бўласан»,–деди.

Мувоқабанинг фойдаларидан:

1. Мувоқабга жаннатни ютиб олиш ва дўзахдан нажот топишдир.
2. Мувоқабга қиёмат кунндаги катта кўрқинчдан омонликдир.
3. Мувоқабга иймоннинг камоли ва Исломнинг жамолига далилдир.
4. Мувоқабанинг самараси Аллоҳ таолонинг муҳаббатидир.
5. Мувоқабга яхши оқибатнинг белгисидир.
6. Мувоқабга банданинг солиҳлиги аломатидир.

Бир бандга ўзининг ҳолини билмоқчи бўлса, камолга етгани ёки етмаганини синамоқчи бўлса, ўз қалбидан мазкур икки мақомни – мувоқабга ва мушоҳадани изласин. Агар қалбида мувоқабга ёки мушоҳадани топса, ўзининг тўғри кетаётганини билсин. Мазкур икки нарсадан бирини топмаса, топишга ҳаракат қилсин.

Мувоқабга мақоми, яъни Аллоҳ таоло уни кўриб ва эшитиб турганини ҳис қилиш қалб тирик эканининг аломатидир.

Агар қалб хаста бўлса, бу мақомга эришиб бўлмайди.

Зикр ва фикр кўп бўлмаса ҳам, мазкур мақомга эришиб бўлмайди.

Тоат ва ибодатда мувожаба ихлос билан юзага чиқади.

Маъсиятда мувожаба тавба, надомат ва гуноҳдан ажралиб чиқиш билан юзага чиқади.

Мувожаб нарсаларда мувожаба одобга риоя қилиш билан юзага чиқади.

Неъматлардаги мувожаба шукр билан юзага чиқади.

Мувожабатлардаги мувожаба сабр билан юзага чиқади.